

Наргиза ШОАЛИЕВА,
ЎзХИА “Мумтоз шарқ адабиёти ва
манбашунослик” кафедраси катта ўқитувчиси,
филология фанлари номзоди

ҲОФИЗ ШЕРОЗИЙ ҒАЗАЛЛАРИГА ЖОМИЙ ВА ФОНИЙ ИЖОДИДАГИ ТАВР ВА ТАТАББУЪЛАР

Х аётда шундай кишилар борки, уларнинг номи барча замон ва халқларда катта ҳарфлар билан ёзишга арзийди. Яқин Шарқ ва Ўрта Шарқ лирикасининг отаси ҳисобланмиш форс шоири Шамсиддин Муҳаммад Ҳофиз Шерозий (1315–1390) шундай қалам соҳибларидандир. Ҳофиз Шерозий ёшлигидан Куръон ёд билганлиги ва 14 хил оҳангга кират қила олиши учун “Ҳофиз” тахаллусини олган, кейинчалик “Лисон ул-ғайб”, яъни Ғойибнинг тили деган лақаб берилган. Ҳофиз адабий меросининг асосий қисмини ғазаллар ташкил этади. Улар латиф ва мусикий, мазмунан теран. Алишер Навоий “Насоимул муҳаббат” асарида бу хусусда тўхталиб: *“Ҳожалар силсиласидан азизе дебтурки, ҳеч девон Ҳофиз девонидан яхшироқ эмас, агар киши суфий бўлса. Бу фақирга андоқ маълум бўлубтур ва машҳур мундоқдурки, ҳазрати Мир Қосим аларнинг девонини Куръони Форсий дер эрмишларки, калом оёти маъносидан мамлуъ ва асрор ва нуқотидин машҳундир”*¹ дейди. Абдурахмон Жомий ўзининг “Баҳористон” асарининг тазкира характеридаги 7-равзасида Ҳофиз Шерозий ҳақида *“Шоирлар раҳнамоси Ҳофиз Шерозий, унинг аксар шеърлари латиф ва табиий, баъзилари мўъжиза чегарасида, равонликда ва ёрқинликда Заҳирий қасидалари бошқалар қасидасидан ўтганидек, Ҳофиз ғазаллари ҳам бошқалар ғазалларидан ўтиб кетади”*, деб ёзади.

¹ Алишер Навоий. Асарлар. Т.15. -Т. Ғ. Ғулом номидаги адабиёт ва санъат нашриёти. 1968. Б.184.



Навоийдан олдин яшаб ижод этган шоирлар Сайфи Саройи, Ҳофиз Хоразмий, Лутфий, Отойи, Саккокийларнинг Ҳофиз ижодидан баҳраманд бўлганликлари, бу қалам устаси маҳорати улар учун мактаб бўлганлиги аниқ. Профессор Ш.Шомухамедов Ҳофиз маҳорати ҳақида: *“Хайём тўрт мисрада ифода этган чуқур фалсафий фикрларни Ҳофиз икки мисрадан иборат биргина байтда гўзал ва ихчам қилиб, китобхон дилига қўйиб қўйишига қодир”* – деганларида тамомила ҳақлилар.

Форс ва ўзбек адабиётларининг алоқаси шу қадар мустаҳкам, улар бир-бири билан шу қадар сингишиб кетганки, ўзбеклар Рудакий, Хайём, Саъдий, Ҳофиз, Хусрав Деҳлавий, Жомий ва Бедил асарларини асл нусхада севиб мутолаа қилишган. Хирот адабий муҳитида форсий ва туркий адабиётларнинг адабий алоқалари ҳақида тадқиқотлар амалга оширилган. Айниқса, ўзбек адабиётшунослигида бу йўналишда бажарилган тадқиқотлар салмокли ҳиссани ташкил этади. Жумладан, Ҳофиз Шерозийнинг ғазалларига Абдурахмон Жомий (1414–1492) ва Алишер Навоий-Фонийнинг ёзган татаббуъларининг киёсий таҳлили мавзуида диққатга сазовор тадқиқотлардан, Эрон олимларидан Рукниддин Хумоюнфаррух, Ҳошим Разий, рус шарқшуносларидан Е.Э.Бертельс, И.Брагинский², Тожикистон адабиётшуносларидан А.Мирзоев, А.Афсаҳзод, А.Сатторзода, Р.Ҳодизода³, Ўзбекистонда А.Фитрат,

² Бертельс Е.Э. Избранные труды. Навои и Джами, том IV- Москва, 1965. Брагинский И.С. О своеобразии творчества Фони-Навои // Исследования по таджикской культуре. - Москва, 1977, с., 183-188.

³ Афсаҳзад А. Джами ва Хафиз // Суннатҳои устувор ва навардаҳои илҳомдор. - Душанбе: Дониш, 1989, ст.149-164 ; Мирзоев А. Абдурахман Джами ва Алишер Навои. - Душанбе, 1968; Сатторов А. Афкори адаби ва эстетикӣ Жомий. - Душанбе, 1975. Хадизаде Р. Татаббуати назм ва сабки шеъри Фани-Навои // Аз гузашта ва ҳозираи адабиёти тоҷик. - Душанбе, 1974, с., 45-59.

А.Қаюмов, М.Азимов, А.Шомухамедовлар⁴ бу йўналишда муайян ишларни амалга оширганлар. Бу тадқиқотларда асосан тўрт масала – Жомий ва Навоийнинг Ҳофиз Шерозий шеърисига қизиқиш билдирганларининг сабаб ва омиллари; татаббуъларда “ҳофизона услуб” масаласи; Жомий ва Навоий татаббуъларида вазн, қофия, радиф ва мавзу бўйича Ҳофизга издошлик масаласи; татаббуълардаги муваффақиятлар мезонлари ўрганиб чиқилган. Фонийнинг девонида 237 ғазал Ҳожа Ҳофизга жавоб тариқасида яратилгани аниқланган. Жомийнинг ҳофизона руҳда нечта ғазал ёзгани ҳали белгиланмаган. Шуниси характерлики, Жомий Ҳожа Ҳофизнинг айрим ғазалларига икки-учта ғазал билан издошлик қилган. Навоий эса, Ҳофизнинг айрим ғазалларига ҳам форс, ҳам ўзбек тилида татаббуъ ғазал яратган.

Жомий ва Навоийнинг Ҳофизнинг ғазалиётига муносабати мезонларини белгилаш учун бу икки замондош шоирнинг Ҳофизнинг бир ғазалига ёзган татаббуъларини кўриб чиқиш кутилган натижани бериши мумкин. Шунинг ҳам айтиш жоизки, бу даврда бир ғазалга турли шоирлар томонидан назира ё татаббуъ ёзилиши анъана ҳукмига кирган эди. “Мажолис ун-нафоис”ни форс тилига таржима қилган шоир Фаҳрий Ҳиротий тўплаган “Радоиф ул-ашъор” (машҳур ғазалга турли шоирлар томонидан ёзилган татаббуълар тўплами) баёздан маълум бўлдики, Ҳирот адабий муҳитида энг кўп мурожаат қилинадиган ғазаллар девони Ҳофиз Шерозийга тегишли. Шунингдек, ёзилган татаббуъларнинг асосий қисми Жомий ва Навоий бошчилиқ қилган Ҳирот адабий муҳити намояндаларига тегишли эканлигидан шундай хулоса қилиш мумкинки, битта ғазалга жавоб ёзиш ижобий маънодаги бир нав ижодий мусобақа, тажриба алмашишнинг бир тури ҳисобланган.

Форс адабиёти тарихи, адабий жанрлар, шеърисий услуб назарияси каби масалаларга бағишланган тадқиқотларда темурийлар даври адабиётини тақлидчилик ва эпигонлик даври сифатида баҳолаш каби қарашлар устуворлик қилади. Айниқса, ушбу даврнинг энг йирик

сиймоси бўлмиш Абдурахмон Жомийнинг ижодига Эрон адабиётшунослари XX асрнинг бошида Маликушшуаро Баҳор ўзининг “*Сабк-иеносий*” асарида номаълум манбага ҳавола қилган ҳолда Жомийнинг асарларида давр нафаси сезилмаслиги, шоирнинг ижтимоий позицияси аниқ кўрсатилмагани, асарлари асосан тақлидчиликдан иборат эканлигини баён этиб танқид қилади (3-жилд, 293-бет). Маликушшуаро Баҳорнинг бу фикри текширилмасдан бошқа эронлик олимлар, жумладан, Зайнулобидин Муътаман, Доий Жавод, Алиасгар Ҳикматлар томонидан бошқача шакл ва айтиш шу маънода такрорланди. Натижада, айрим европалик шарқшунос олимлар томонидан бажарилган тадқиқотларда темурийлар даври адабиётини тақлидчилик, анъанавийлик устувор бўлган ҳамда новаторлик элементлари заиф адабий давр сифатида талқин қилиш устуворлик касб эта бошлади. Холбуки, тожик адабиётшуноси профессор Абдунаби Сатторзода тўғри қайд қилганидек: “*XV асрдаги адабий қарашлар ва мезонларга кўра, номдор шоирларнинг асарларига жавоб айта билиш “камоли назм” ҳисобланарди. Ўтган шоирларнинг машҳур шеърларига муваффақиятли жавоб бера олган шоирлар таниқлилар қаторидан жой олардилар*”.

Мисол тариқасида Алишер Навоийнинг Мир Ислон Ғазолийга берган баҳосига эътибор берсак: “...*ва анинг назмда камоли Ҳаким Анварийнинг бу қасидаси жавобидаким: Чу муроди хешро бо мулки Рай кардам қиёс. -- маълум бўлурким, Алоуддавла Мирзо мадҳида айтибдур*”. Жомийнинг нафақат ўтмиш шоир ва адиблари асарларига жавоб тариқасида ёзган асарлари, балки унинг адабий жараёнлар ҳақидаги ишора ва хулосалари, умумлашмалари (бундай фикрлар, айниқса, “Баҳористон” асарининг еттинчи равзасида жуда кўп) айтиш шу маънога далолат қилади. Жомийнинг фикрига кўра, ёзиладиган жавобия сармашқ бўлган асардан бадиий жиҳатдан юксакроқ, ҳеч бўлмаса, унга тенг бўлмоғи шарт.. Бу талабларга Жомий ўз жавобияларида тўлиқ риоя этишга ҳаракат қилган⁵.

Темурийлар даври адабиёти, жумладан, бу даврнинг энг илғор намояндалари – Абдурахмон Жомий ва Алишер Навоий ижодларига бундай муносабатда бўлишнинг асосий сабаб-

⁴ А.Фитрат. Фонийнинг форсий девони тўғрисида// Маориф ва ўқитғучи, 1926; А.Қаюмов. Дилкушо ашъорлар ва руҳафзо такрорлар. – Т.:Шарк, 2017; Шамухамедов А.Ш. Традиция татаббу в творчестве Алишера Навои (на примерах татаббуат Фани на газели Джами). Авт. дисс. на саис.уч. степ. канд. фил. наук. - Ташкент, 1981.

⁵ А.Сатторов. Афкори адаби ва эстетикни Абдурахмони Чомӣ. – Душанбе: Ирфон, 1975. – Б. 83-84.

ларидан бири татаббуъ, тавр, назира каби адабий ҳодисаларнинг моҳиятини тушунмасликдан келиб чиққан. Жумладан, **татаббуъ** (ар. – бирор нарсанинг изидан бориш; кузатиш) деб, ўзга бир шоир шеъридан таъсирланиб, ундаги вазн, қофия ва радифни сақлаган ҳолда асар яратиш бўлса, **тавр** (ар. – бирор нарса атрофида айланиш, тарз, йўсин, услуб) дейилганда, ўзга бир шоир шеъридаги услуб ва мазмунга риоя қилиб, шеърий асар яратиш, деб тушунилади. Татаббуъда вазн, қофия ва радиф мезон қилиб олинмайди, балки ўзга шоир қўллаган услубда янгича талқиндаги тимсоллар ва бадий тасвир воситаларидан фойдаланиш талаб қилинади. Бу ўзига хос ижодий таъсирланиш ва адабий мусобақа йўсинида бўлиб, салафлар ёки замондошларнинг шеърларидаги услуб асосида мазмуннинг ўзгачалигига эришиш ва унинг янгича жиоларини кашф этишга қаратилган бўлади.

Баъзан шоир бир ғазалнинг ўзида икки ижодкордан ижодий таъсирланганлигини, яъни бир ғазал ҳам татаббуъ, ҳам тавр асосида яратилганлигини кузатиш мумкин. “Девони Фоний”да бундай ғазалларга қуйидагича сарлавҳалар қўйилган: Татаббуъи Мир дар таври Хожа (Хожа Ҳофиз Шерозий услубида Амир Хусрав Деҳлавийга жавоб), Татаббуъи Шайх дар таври Махдум (Абдурахмон Жомий услубида Шайх Саъдийга жавоб) ва ҳоказо. Масалан, қуйидаги ғазалда Ҳофизнинг таврида Жомийга татаббуъ қилинган:

Биё, ке пири муғон дар сабў шароб андохт,

Ҳавое муғбаче дилҳо дар изтироб андохт. (“Девони Фоний”, 148-ғазал)

(Мазмуни: Келки, муғлар пири кўзага шароб солди, муғбачанинг ишқи кўнгилларга изтироб солди).

Жомийнинг ғазали аслида Ҳофизнинг ғазалига назира йўсинида ёзилган бўлиб, қуйидаги байт билан бошланади:

Биё, ке шохиди бўстон зи рух неқоб андохт,

Насим дар сари зулфе бунафше тоб андохт. (“Ғотиҳат уш-шабоб”, 257-ғазал)

(Мазмуни: Келгил, бўстон гўзали юзидан ниқобни олди; насим бунафша зулфи учига гажак солди.) Ҳофизнинг ғазали қуйидаги матлаъ билан бошланиб, Фоний-Навоийнинг ғазалига вазн ва радиф, образлар тизими ва умумий руҳияти билан муштараклик касб этган:

Хаме, ки абрўе шўҳи ту дар камон андохт,

Ба қасди жони мани зори нотавон андохт. (Ҳофиз Шерозий. “Девон”, 46-бет)

(Мазмуни: Бутун шўҳ қошинг камонга солинди, менинг зор ва нотавон жоним қасдига солинди).

Кўриниб турибдики, татаббуъ ва тавр ҳодисалари адабиётда доимий равишда кузатиладиган ижобий ҳодиса бўлиб, бадий-эстетик тафаккур ривожланган муҳитнинг асосий белгиларидан ҳисобланади. Ушбу масалани тўлиқ ўрганмаслик анъанавийлик ва новаторлик масаласида янглиш хулосалар пайдо бўлишдек салбий оқибатларни келтириб чиқаради.

Ҳофиз Шерозийнинг Жомий ва Фоний шеърятига кўрсатган таъсири, бу икки буюк издошнинг Шерозий ижодидан баҳрамандлик даражасини аниқлаш учун Жомий ва Фоний татаббуъ қилган ғазаллардан бирини кўриб чиқиш муайян тасаввур ҳосил қилишга имкон яратади. Бундай муштарак ғазаллар Жомий ва Фоний девонларида кўплаб топилади. Шу сабабдан, анъана ва новаторлик масаласини татаббуъ ва тавр замирида тадқиқ қилиш учун матний-қиёсий таҳлил қутилган натижани беради.

Шуни таъкидлаш керакки, Ҳофиз ва Фоний мавзуси жуда кенг бўлиб, у чуқур тарихий ва адабий тадқиқотларни талаб қиладиган катта ишдир. Зеро, Навоий “Муҳокамат ул-луғатайн” асарида: “*Яна форсий ғазалиёт, Хожа Ҳофиз тавридаким, жамъи суҳанадолар ва назмпирулар назарида мустаҳсан матбуъдур, тартиб берибменким, олти мингдан абёти адади кўпракдурки, кўпрак ул ҳазрат шеърига татаббуъ воқеъ бўлибтур*” – деб ёзади. Нега Алишер Навоий асосан, Ҳофиз ғазалларига татаббуълар ёзади, кўпроқ унга эргашади, деган табиий савол туғилади. Бунга Ҳофизнинг машҳур “Агар он турки Шерози....” деб бошланувчи ғазалига Фоний татаббуъси мақтаъи (яқунловчи байти)ни жавоб тариқасида келтириш мумкин:

Ғазал гуфтан мусаллам шуд ба Ҳофез шояд, эй Фони,

Намойи чошни дарюза з-он назми жаҳоноро.

(Ҳофиз ғазалларига ҳамма қойил қолган, эй Фоний, ўша жаҳонни безатган назмдан сен ҳам бир оз тиланиб олсанг бўларди.